

"FARG'ONA SUV TA'MINOTI  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN  
JAMIYATI

QO'SHTEPA  
TUMAN BO'LIM

№ 143

2022-26-10

151000, Kanal bo'yli ko'chasi Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентийнинг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Кўштепа тумани Хўжақишлоқ МФЙ Ифтихор кўчаси худудида яшовчи ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида куйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Техник шарт

Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилоят худудий бошкармаси бошлиги Р.Холикназаровга

### Ичимлик сув бўйича

Кўштепа тумани Хўжақишлоқ МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи 645 м<sup>3</sup> хисобланиб, уланиш нуткаси.1 Хўжақишлоқ МФЙ Қоражийда кўчи худудида 1 дона тик ичимлик сув кудугини тозалаш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чиқиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш, лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан узунлиги 2 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини курилиш-монтаж ишлари даврида бошка мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хulosса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиша тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, курилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур курилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан кабул килинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

Ушбу лойиха Жаҳон банки дастурига киритилган.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ  
Кўштепа туман филиали бош мухандиси:

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ  
Кўштепа туман филиали ИЧБ мухандиси:

Ғ.Тўхтасинов

Л.Холбоев

